



МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ БАРЧА СОҲА ВА ҲУДУДЛАРНИНГ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БИЛАН ҲАМОҲАНГ РИВОЖЛАНИШИГА БОҒЛИҚ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 декабрь куни Рақамли технологиялар вазирлигига ташриф буюрди.

Рақамли бошқарув марказида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ амалга оширилган ишлар тақдими ўтказилди. Маълумки, бу Стратегияда мамлакатимизни минтақавий “IT-хаб”га айлантириш мақсади белгиланган. Бу давлат бошқаруви ва соҳаларни рақамлаштириш, алоқа инфратузилмасини яхшилаш, IT таълимни ривожлантириш каби кўп омилларни талаб этади.

Кейинги йилларда ушбу йўналишларда катта ўзгаришлар бўлди. Ахборот технологиялари субъектлари учун яратилган шароитлар ва имтиёзлар натижасида бундай корхоналар ва иш уринлари сони, хизматлар экспорти ортиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда юртимизда IT компаниялари сони 147 та бўлган бўлса, ҳозирда 1 минг 600 тага етган. Иш уринлари ҳам қисқа вақтда 10 баравар кўпайиб, 24 мингтадан ошган. 2017 йилда 600 минг АҚШ доллари бўлган экспорт ҳажми жорий йил якуни билан 300 миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

Muz.gov.uz ягона портали орқали бугунги кунда 8 миллиондан ортиқ аҳоли ва тадбиркорлар 570 турдаги онлайн хизматдан фойдаланмоқда.

Ижро интизоми ягона тизими — ijgo.gov.uz орқали давлат идоралари ва уларнинг қуйи бўғинлари ходимлари томонидан 28 миллионга ҳужжат электрон айирбошланган.

Президентимиз бу тизим раҳбарларнинг онги ва масъулиятини ўзгартирганини таъкидлаб, ҳужжатлар интеграцияси ва сифатини яхшилаш, ижро интизоми назоратини кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

2022 йилда БМТнинг Электрон ҳуқумат рейтингига мамлакатимиз 18 поғона юқорилаб, 69-ўринни эгаллади. 2030 йилга бориб, ушбу рейтингда биринчи ўттизталикка кириш бўйича йиллик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида IT хизматлар ва дас-

турий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мақсади белгиланган. Бунинг учун ҳудудларда IT инфратузилмаси ва венчур бозорини ривожлантириш, “local to global” тамойили орқали маҳаллий корхоналарни экспортга олиб чиқиш, юртимизда халқаро компанияларнинг офисларини очиб қўлаб чоралар кўзда тутилган. Шу мақсадда икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, IT-Park ҳудудидан Англия ҳуқуқини жорий этиш, резидентлар учун солиқ имтиёзларини 2040 йилгача узайтириш, умуман, бу соҳага 100 йиллик қўлайлик яратиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Давлат раҳбари мамлакатимизнинг ахборот технологиялари, туризм, инвестиция салохиятини муҳасабга олиш, яхлит имижини яратиш бўйича кўрсатма берди.

Тақдимотда соҳага ихтисослашган таълим тўғрисида ҳам ахборот берилди. Сўнги уч йилда IT ўқув марказлари сони 300 дан ошди. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олиб, сертификатга эга бўлган ёшлар сони 1 миллион 200 минг нафарни ташкил этди. Утган йилдан бошлаб халқаро IT-сертификатларга ўқиш харажатларини 50 фоизгача қўллаб бериш йўлга қўйилди. 215 минг нафар ёшлар халқаро онлайн курсларни битириб, сертификат олди.

Буларни давом эттирган ҳолда, келгуси йилдан бошлаб ҳар йили 5 минг нафар иқтидорли ёшларни саралаш, ўқитиш ҳамда халқаро меҳнат бозорига тайёрлаш тизими жорий этилади. Хоразм вилоятида “Ал-Хоразми ворислари” лойиҳасида ўқитиш бошланади. Умуман, IT соҳасида 300 минг нафар ёшларни халқаро компаниялар талабига мос дастурлар асосида тайёрлаш ва иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Шу ерда космик геоахборот тизими орқали сув омборлари ҳамда ер қаридан фойдаланиш ҳолатларини мониторинг қилиш дастури ҳақида маълумот берилди.

Президент вазирликнинг “UZINFOCOM — Ягона интегратор” офисидан яратилган шароитларни кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Сизлар ҳозирги ислохотларда бизнинг энг ишонган кучимиз. Келажакда сиздек мутахассисларга эҳтиёж янада ошади. Ҳар бир соҳа ва ҳудуд рақамли технологиялар билан ҳамоҳанг ривожланмаса, мамлакат ривожланмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда сунъий интеллект асосида биометрик идентификация қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш, электр таъминоти биллиги бўйича ахборот берилди. Давлатимиз раҳбари ижтимоий соҳалар, айниқса, тиббиёт соҳасининг рақамли тизимини такомиллаштириш, одамларни рози қилиш зарурлигини таъкидлади.

Президентимизга Самарқанд вилояти Нуруобод туманида ташкил этилган “IT Village” ҳақида сўзлаб берилди. Бу мажмуа 1-9-синф ўқувчиларини ахборот технологиялари билан таништириш ва бунга қизиқтириш, уларга илк кўникмаларни ўргатишга қаратилган.

Давлатимиз раҳбари бундай мажмуаларни барча ҳудудларда барпо этиш бўйича топшириқ берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тармоқ ва ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Замон талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда алоқа инфратузилмасини яхшилаш, соҳа ва тармоқларни рақамлаштиришга катта эътибор

қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўзида таълим, банк, молия, божхона, қишлоқ хўжалиги, геология, кадастр каби соҳаларни рақамли трансформация қилиш доирасида 100 та дастурий лойиҳа ишлаб чиқилган. 500 дан зиёд янги IT компаниялари ташкил этилиб, соҳага 475 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келган.

Йил якуни билан соҳада хизматлар ҳажми 10 триллион сўм бўлиши, экспорти эса 300 миллион доллардан ошиши кутилмоқда. Бу кўрсаткич Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларида юқори суръатларда ўсди. Сурхондарё вилоятида ҳам илк бор IT хизматлар экспорти йўлга қўйилиб, бир миллион доллардан ошди. Ҳудудларда 20 мингдан ортиқ ёшлар мустақил шугўлланиб, халқаро онлайн платформалар орқали яратган маҳсулотини четга сотган.

Йиғилишда соҳа ривожига қўшимча шароитлар яратилиши белгиланди. Унга кўра:

— IT компаниялари ҳудудлардаги бўш турган биноларга бир йил муддатга бепул жойлаштирилади;

— иқтидорли дастурчиларга бир йил ичида бўлиб-бўлиб тўла шарти билан компьютер ва техникалар берилди;

— 50 дан ортиқ IT мутахассисни ишли қилган компанияларнинг бир йил давомидаги иш ҳақи харажатининг 15 фоизгача қисми қўллаб берилди;

— экспортчи корхоналарга четдан эксперт жалб қилиш, халқаро конференцияларда қатнашиш харажатларининг 50 фоизи компенсация қилинади.

Шунингдек, IT-Parkни халқаро миқёсга олиб чиқиш учун Германия ва Саудия Арабистонида унинг шўъба корхоналари очилади.

Умуман, шундай янги имкониятлар ҳисобига, 2024 йилда IT хизматлари ҳажмини икки баробар ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунга эришиш учун, аввало, чет тили ва технологияларни биладиган кадрлар зарур. Шу боис, Рақамли технологиялар вазирлигига келгуси йилда 8 минг нафар энг иқтидорли ёшларни саралаб, нуфузли халқаро компаниялар талабига мос дастур асосида ўқитиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, келгуси йилдан “Ҳар бир маҳаллада камида икки нафар дастурчи” лойиҳаси бошланиши, АҚШлик ҳамкорлар билан “Инклюзив рақамлаштириш” лойиҳаси доирасида 20 минг аҳоли бандлиги таъминланиши айтилди.

2026 йилда Халқаро информатика олимпиадаси илк бор мамлакатимизда ўтказилади. Бунга тайёргарлик кўриш учун танловлар ўтказилиб, салоҳиятли ўқувчилар танлаб олинади, хориждан малакали мураббийлар жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбари рақамлаштириш маҳалладан бошланиши кераклигини таъкидлади.

Ҳозир маҳалла тизими ходимлари планшет ва компьютер билан таъминланган. Лекин улардан тўла фойдаланилмапти. Масалан, ёшлар етакчисига субсидия олиш учун мурожаат қилган фуқаро ҳалигача маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ёки бандлик бўлимидан ишсизлик тўғрисида маълумотнома олиб келишга мажбур.

Шу боис, мутасаддиларга “Рақамли маҳалла” ягона платформасини ишга тушириш ва “маҳалла еттилиги”ни рақамли тизимлардан фойдаланишга ўқитиш топширилди.

Йиғилишда вазирлик ва тармоқлардаги рақамлаштириш ҳолати таҳлил қилинди. Иқтисодиёт тармоқларида таннархни тушириш фақат ва фақат рақамлаштириш орқали бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Айрим вазирлик ва идораларда рақамлаштириш ишлари сустиги қайд этилди. Масалан, “Рақамли соғлиқни

сақлаш” лойиҳаси, тиббий суғуртани жорий қилиш кечикяпти. Онкологик касалларнинг электрон реестри йўқлиги сабабли уларга нафақалар тўлашда қийинчилик бўлмоқда. Қишлоқ хўжалигида пестицидлар савдоси ва қўлланилиши бўйича рақамли назорат тизими жорий қилинган йўқ. Тошкент шаҳрида аҳоли томонидан ижобий қабул қилинган “Халқ назорати” тизими ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу қоқоқликларни тезда бартараф этиш, ҳар бир соҳада рақамлаштиришни жадаллаштириш зарурлиги қатъий кўрсатиб ўтилди.

— Рақамлаштиришга эътибор қилмаган раҳбар коррупцияга қарши курашишга интилмаган, дея баҳоланди, — деди Президент.

Соҳа инфратузилмаси, хусусан, интернет тезлигини яхшилаш масаласига эътибор қаратилди. Айрим ҳудудларда интернет тезлиги пастлиги, халқаро магистрал йўлларнинг 20 фоизи мобил интернет билан қамраб олинмагани кўрсатиб ўтилди. Келгуси йилда рақамли инфратузилма учун 600 миллион доллар инвестиция жалб қилиниши айтилди.

Шу билан бирга, киберхавфсизликни кучайтириш, барча электрон тўлов тизимлари учун бу борада ягона талабларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Умуман олганда, келгуси йилда ахборот технологиялари хизматлари ҳажмини 20 триллион сўмга, экспортни 800 миллион долларга етказиш, тармоқларда 130 та ахборот тизимини жорий қилиш ва 750 та давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш вазифаси белгиланди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги долзарб масалалар юзасидан вазирлар, ҳокимлар ва ёш дастурчилар билан мулоқот қилди.

ЎЗА

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН РЕЗОЛЮЦИЯ

БМТ Бош Ассамблеясида бир овоздан қабул қилинди

19 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

Давоми 2-бетда

МУНОСАБАТ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАҚАТ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШИ ЭМАС

балки жамоатчиликнинг ҳам фаол иштирокини талаб этади

Тошкентда ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича юксак халқаро мукофот билан тақдирлаш маросимида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Президентимиз ўз нутқида “Коррупция бутун инсониятга, барча жамиятлар асосига, иқтисодий тараққиётга зарба берадиган, қонун устуворлигини бузadиган ва халқнинг давлат сиёсатида ишончини кескин сусайтирадиган, демократик институтлар ривожига тўсқинлик қиладиган хатарли таҳдиддир ва у барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги режаларимизга ҳам жиддий путур етказди”, деди.

Таъкидлаш жоизки, коррупция шундай иллатки — у чегара билмайди. Бирорта мамлакат коррупциядан бутунлай холи, деб айта олмаيمиз. Зеро, коррупция мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида қатор салбий оқибатлар келтириб чиқаради.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

БЮДЖЕТНИНГ ҲАР БИР СЎМИГА МАСЪУЛ БОР

Бир миллионгача санаш учун қанча вақт керак? Миллиард ва триллионлар сановига етиш учун-чи? Шарҳимиз ибтидосида масаланинг бу жиҳатига урғу бераётганимиз бежиз эмас. Чунки мамлакатимиз давлат бюджетининг йиллик даромад ва харажатлари учун дастлабки пайтларда миллионларни, сал кейин миллиардларни ифодаловчи рақамлар келтирилган бўлса, сўнги пайтларда юзлаб триллионларни мужассам этган кўрсаткичлар билан белгиланиши оддий ҳолга айланиб қолди. Масалан, давлат бюджети даромадлари 2022 йилда 202 триллион сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 37,2 триллион сўмга ошган. 2024 йилда эса бу борадаги кўрсаткич 270,6 триллион сўмга тенг бўлиши кутилмоқда.

Давоми 3-бетда

МОЗИЙ — ҲАҚИҚАТ ТАРОЗИСИ



ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ



“ЖАНУБИЙ ТАНДИРЧА” КОНИ

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ БАРҚАРОРЛИГИДА ҚАНЧАЛИК АҲАМИЯТЛИ?

Яқинда углеводород қазиб олиш ҳажмини барқарор сақлаб туриш мақсадида “Ўзбекнефтегаз” АЖ томонидан “Шўртан” нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасига қарашли “Жанубий тандирча” конида янги сиқув компрессор станцияси фойдаланишга топширилди.

Давоми 4-бетда

ЯНГИ УЙҒОНИШ НУҚТАСИ БИЗДАН БОШЛАНСИН

Энди жаҳидчилик илмининг ҳаракат дастури мавжуд

Пойтахтимизда ўтказилган “Жаҳидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция туркий дунёнинг ғоявий келиши, истиқболи, маънавий қиёфасини белгилаб олишда платформа вазифасини бажариши кўзда тутилган эди.

Давоми 5-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ФАҚАТ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ИШИ ЭМАС

балки жамоатчиликнинг ҳам фаол иштирокини талаб этади

**Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ
масалалари қўмитаси раиси**

Бошланғичи 1-бетда

Хусусан, бу сиёсий соҳада айрим гуруҳлар манфаати умумийлик манфаатдан юқори қўйилиши, халқнинг давлатга ишончи пасайиши, демократик принциплар йўқолиши, қонун устуворлиги бузилиши, судлар фаолиятининг самарасизлигида кўринади.

Иқтисодий соҳада эса инвестицион муҳит бузилиши, кичик бизнеснинг зарар кўриши, давлат ресурсларининг мақсадсиз тақсимланиши, нархлар сохта ошириб кўрсатилиши, молиявий, иқтисодий ҳавф ошиши, “яширин иқтисодиёт”, иқтисодий рақобатнинг пасайишига олиб келади.

Лекин, афсуски, ани пайтда миллий қонунчилигимизда коррупцион жиноятлар тоифалари аниқ эмас. Биз кўпинча пора бериш, пора олиш ва шу каби бошқа жиноятларни коррупцион жиноят деб атаймиз. Ваҳоланки, тўғридан-тўғри моддий манфаатдорлик билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар ҳам коррупцион бўлиши мумкин.

Биз илгари коррупция иллатига қарши, асосан, оператив-қидирув усуллар билан курашар эдик. Натижада бундай курашиш кўпинча коррупциянинг оқибати билан олиб борилар эди. Превентив усуллар, яъни коррупциянинг олдини олиш, унга шарт-шароит яратувчи омилларни йўқотиш масаласи ҳеч қачон бугунгидек эътиборда бўлган эмас.

Ўзбекистоннинг 2008 йилда БМТ Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилиши коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга замин яратди.

Мамлакатимизда “коррупция” сўзи ишлатилган 210 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Албатта, уларнинг барчасида ушбу сўз коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида ишлатилган. “Коррупцияга қарши курашиш” сўзлари Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба аниқланган Конституцияга киритилди.

Бугунги кунда давлат органларининг халқ билан мулоқот қилиш тизими йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхонаси фаолият кўрсатмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси мажбурий равишда жамоатчилик муҳокамасида ўтказилапти.

Бундай иллатга қарши тарқоқ ҳолда кураш олиб бориш қўйилган самарани бермайди. Шу сабабли бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи махсус орган, яъни Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилди.

Бу билан давлат органлари фаолиятининг очқиллиги таъминланмоқда, давлат хизматчисининг ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракати, унинг ким бўлишидан қатъи назар, ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали ошқор этиб борилмоқда.



Коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли унчалик сезилмаяпти. Улар, асосан, тренинглар, тарғибот ишларида иштирок этиш билан чекланмоқда. Профессинал таҳлиллар асосида коррупцион схемаларни фош этишга қодир бўлган, коррупциянинг олдини олишга қаратилган таклифларни кўтариб чиқа оладиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказган ҳолда, улардаги коррупцион омилларни бартараф этиш борасида тавсияларни ишлаб чиқа оладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари кўзга ташланмаяпти.

Давлат харидларини амалга ошириш борасида сифат жиҳатдан янги тизимга ўтилди. Хусусан, “Давлат харидлари тўғрисида”ги янги қонун қабул қилинди. Бугунги кунда жамоатчилик ҳар бир давлат харидини бемалол кузатиб борапти. Урни келганда ўз эътирозини билдирапти. Шу асосда баъзи давлат харидлари бекор қилиняпти.

Бу борада яна бир муҳим масала — яқинда қабул қилинган Президент фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тақдимномасига асосан давлат харидларини тўхтатиб туриш ҳуқуқини бериш назарда тутилди.

Энг катта ютуқларимиздан бири бу, албатта, давлат хизматларини кўрсатишда давлат хизматчилари билан субъектив контактни минималлаштириш чораларидир. Хусусан, давлат хизматлари “ягона дарча” тамойили асосида жараёнга ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали амалга оширилмоқда, ҳуқуқбузарликлар электрон рақамли воситалар орқали қайд этилмоқда. Натижада давлат хизматларини кўрсатишда ортиқча тартиб-таомиллар қисқартирилди. Масалан, аҳолидан 73 турдаги ҳужжат ва маълумотларни талаб қилиш бекор қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳозир жамоатчилик назоратини кучайтиришга интиляпмиз. Миллий давлатчилигимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Соҳибқирон Амир Темуру ҳам ўз салтанатида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини кучайтиришга интилган. Аҳоли вакиллари билан суҳбатлар олиб бориб, жойлардаги раҳбарлар, миқробларнинг адолатсизликига йўл қўйиши, тамағирлик қилиши ҳолатларини аниқлаган ҳамда уларни ҳолисларнинг кўз ўнгида жазолаган.

Чунки давлат устидан давлат назорати ҳар доим ҳам самара бермаслиги мумкин. Шунинг учун коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг роли жуда муҳим.

Албатта, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Афсуски, коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли унчалик сезилмаяпти. Улар, асосан, тренинглар, тарғибот ишларида иштирок этиш билан чекланмоқда. Профессинал

таҳлиллар асосида коррупцион схемаларни фош этишга қодир бўлган, коррупциянинг олдини олишга қаратилган таклифларни кўтариб чиқа оладиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳасини жамоатчилик экспертизасидан ўтказган ҳолда, улардаги коррупцион омилларни бартараф этиш борасида тавсияларни ишлаб чиқа оладиган нодавлат нотижорат ташкилотлари кўзга ташланмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ўз лавозимига киришгандан сўнг дастлаб имзо қўйган (2017 йил 3 январь) қонунлардан бири бу айнан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонундир.

Коррупцияга қарши курашишда парламентнинг роли ўта муҳим аҳамият касб этади. Чунки у коррупцияга қарши сиёсатимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беради ҳамда бу соҳада давлат дастурларини қабул қилади.

Аввало, Парламент ҳар иккала палатасида коррупцияга қарши курашиш масалаларига масъул бўлган махсус қўмиталар тузилган. Коррупцияга қарши курашиш борасида парламентнинг асосий вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб, 5 та йўналишда иш олиб боради.

Яъни парламент коррупцияга қарши курашишнинг қонуний асосларини яратди, аниқроғи, тегишли қонунлар қабул қилади. Масалан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ва ҳоказо.

Мен гапни нима учун қонунчиликдан бошлаяпман. Чунки биз коррупцияга қарши курашиш учун, авваламбор, қонунларимизнинг ўзини коррупциядан холи этишимиз лозим. Қонунларда ҳам коррупция бўладими, деган савол туғилади? Албатта! Гап қонунчиликдаги “коррупцияга шароит яратувчи нормалар” ҳақида борапти. Тўғри, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари Адлия вазир-

лигида, эндиликда тегишли Агентликда ҳам коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилмоқда. Лекин барибир халқ вакиллари қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш давомида коррупцияга шароит яратувчи нормаларни аниқлади. Масалан, бизнинг қўмитамиз нафақат қўмита масъул бўлган қонунларда, балки бошқа қўмиталарнинг ҳам қонунларидаги коррупцияга шароит яратувчи нормаларни аниқлайди ҳамда уларни чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришни ташаббус қилади.

Биланмики, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертиза қилинади. Лекин бу қачон бошланган? Фақат 2012 йилдан. Унгача қабул қилинган минглаб қонун ҳужжатлари-чи? Уларнинг тақдирини нима бўлади, улар қабул қилинган пайтда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилмаган-ку?

2021 йил 22 октябрда Президентимизнинг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ҳужжат билан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам босқичма-босқич тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш белгиланмоқда.

Қолаверса, бугунги кунда “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Мана шу қонунга асосан ҳам амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди ва бунинг учун масъуллар қонунда қайд этилди.

Албатта, Парламентнинг иккинчи фаолият йўналиши бу — Парламент назорати. Яъни Парламент коррупцияга қарши курашиш борасида мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитиб боради.

Парламент қўмиталари эса жойларда ўрганишлар ўтказди. Масалан,

ўтган давр мобайнида Қўмитамиз соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, божхона, солиқ ва бошқа қатор соҳаларда бевосита жойларга чиққан ҳолда коррупциянинг олдини олишга оид қонунлар ижросини ўрганган. Урганиш яқини бўйича мансабдор шахслар ахбороти эшитилиб, қўмитанинг қарори билан тегишли вазифалар берилган.

Натижаси бўйича коррупцияга шароит яратувчи бир қатор идоравий ҳужжатлар бекор қилинган, вазирлик ва идоралар томонидан чора-тадбирдор дастурлари ишлаб чиқилган, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласини ҳал этиш учун ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга материаллар чиқарилган ва ҳоказо.

Қолаверса, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳар йилги миллий маърузаси Парламентда кўриб чиқилади ва унинг асосида ҳам Парламент қарори қабул қилиниб, тегишли масъуллар олдига масала қўйилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан депутатлар ҳудудларга чиқиб, жамоатчилик вакиллари, тадбиркорлар, судлар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар, адвокатлар билан мулоқот қилмоқда, улар орасида аноним ижтимоий сўровлар ўтказилмоқда. Мулоқот давомида ҳудудда коррупциянинг олдини олиш, одил судловни таъминлаш борасида кўтарилган масалалар Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларида кўриб чиқилган.

Яна бир фаолият йўналишимиз турли коллегиял органлар ишида иштирок этишидир. Парламент аъзолари нафақат парламент ичида, балки ундан ташқарида тузилган турли коллегиял органлар фаолиятида ҳам иш олиб боради.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тузиш бўйича махсус комиссия, Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини тақомиллаштириш комиссияси, Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича турли комиссиялар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва бошқа коллегиял органлар таркибида фаолият юритамиз.

Бундан ташқари, илмий ҳамжамият вакиллари билан соҳага оид илмий-амалий таклифларни ҳам доимий муҳокама қилиб борамиз. Олимлар томонидан тақдим этилган таклифлар асосида қўмитамиз томонидан турли қонун лойиҳалари тақомиллаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, коррупцияга қарши курашиш фақат давлат органларининг эмас, балки жамоатчиликнинг ҳам фаол иштирок этишини талаб қилади.

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН РЕЗОЛЮЦИЯ

БМТ Бош Ассамблеясида бир овоздан қабул қилинди

“БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиёдаги экологик муаммоларга қарши курашиш бўйича резолюцияни қабул қилди” сарлавҳали мақола эълон қилди.

Бошланғичи 1-бетда

Резолюцияни ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича ҳужжатларро музокаралар жорий йил октябрь-ноябрь ойларида БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида бўлиб ўтган эди. Маслаҳатлашуларда дунёнинг барча қитъаларидан, жумладан, АҚШ, Россия, Хитой, Европа Иттифоқи, Франция, Буюк Британия, Германия, Канада, Австралия, Саудия Арабистони, Миср, Аргентина, Бразилия, Мексика каби юздан ортиқ давлат экспертлари фаол иштирок этди. Улар,

шунингдек, Резолюцияни ўзига хос мазмун билан тўлдириш ва умумий консенсусга эришиш учун кўплаб таклифларни киритди.

Ҳужжатда Ўзбекистон Президентининг қатор ташаббуслари, жумладан, “Марказий Осиё учун “яшил” кун тартиби” ва унинг минтақа барқарор ривожланишига кўмаклашишдаги роли алоҳида қайд этилган. Резолюцияда БМТга аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг Халқаро иқлим форумини 2024 йилда Самарқанд шаҳри-



да ўтказиш ташаббусини ҳам олқишлади. Орол денгизининг қуриши оқибатларини юмшатиш борасидаги саъй-ҳаракатларга эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Президентини ташаббуси билан ташкил этилган БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармаси фаолиятини кучайтириш зарурати алоҳида таъкидланган. Шу боис, халқаро ҳамжамиятга ушбу жамғарманга фаол қўллаб-қувватлашнинг давом эттириш бўйича мурожаат йўлланган.

Ҳужжатда чўлланшиш ва ерларнинг деграациясига қарши курашда инновацион усуллар ва янги технологияларни жорий қилиш муҳимлиги қайд этилган. Жорий йил 13-17 ноябрь кунлари Самарқандда БМТнинг Чўлланшишга қарши ку-

раш тўғрисидаги конвенцияси ижросини кўриб чиқиш қўмитасининг 21-сессияси ҳамда Қум ва чанг бўронларига қарши кураш бўйича юқори даражадаги йиғилиши Марказий Осиёда илк бор муваффақиятли ўтказилгани мамнуният билан қарши олинди.

Резолюцияда Марказий Осиёда иқлим ва экологик таҳдидларга қарши курашиш мақсадида барқарор қишлоқ ҳўжалиги, боғдорчилик, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергия самардорлиги, чиқиндиларни қайта ишлаш, барқарор туризмни ривожлантириш, “ақли” шаҳарлар ва барқарор транспортни яратиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Бош Ассамблея, шунингдек, БМТ тизими, халқаро ва молиявий институтлар, хусусий сектор, инвестор ва донорлар-

**Наталья Алонсо КАНО,
БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича
Европа ва Марказий Осиё минтақавий бошқармаси раҳбари:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича бошқармаси номидан ушбу муҳим ва ўз вақтида қабул қилинган резолюция ташаббуси учун самимий миннатдорлик билдираман. Резолюция Марказий Осиёда экологик муаммоларга қарши курашишда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқлим ўзгаришига мослашишга кўмаклашишга қаратилган.

Ўзбекистон минтақада табиий офатлар хавфини камайтиришда трансчегаравий ҳамкорликни мустаҳкамлашда

муҳим роль ўйнайди. 2021 йили Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари факултетида вазиятлар вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда илк бор Марказий Осиёда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Минтақавий стратегия қабул қилинди. Ўзбекистон минтақавий форумлардан ташқари, табиий офатларни камайтириш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Биз 2024 йилда Самарқандда Халқаро иқлим форумини муваффақиятли ўтказиши орқали Ўзбекистон ушбу йўналишдаги фаол ҳаракатларини давом эттиришига ишонч билдираман.

Марказий Осиёдаги экологик муаммоларни ҳал қилиш учун ресурсларни сафарбар этиш, салоҳиятини ошириш ва ёрдам кўрсатиши давом эттириши тавсия қилади.

Резолюцияда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ташаббуслари ҳам баён этилган.

Ҳужжат барча Марказий Осиё давлатлари номидан тақдим этилди. Резолюция ҳаммуаллифлари қаторига Германия, Швейцария, Туркия, Хитой, Сингапур, Венгрия, Вьетнам, Озарбайжон, Арманистон, Малайзия, Индонезия, Миср, Иордания, Парагвай (БМТнинг барча минтақавий гуруҳлари вакиллари камраб олган) каби давлатлар ҳам киритилди.

Резолюция қабул қилингандан сўнг БМТ Ахборот хизмати “БМТ Бош Ассамблеяси Марказий Осиёдаги экологик муаммоларга қарши курашиш бўйича резолюцияни қабул қилди” сарлавҳали мақола эълон қилди.

Унда қайд этилишича, иқлим ўзгариши замонамизнинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб, барча

мамлакатларнинг барқарор ривожланиши учун жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда.

Мақола муаллифларининг ёзишича, сентябрь ойида БМТда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилганини таъкидлаган. Бу — дунёдаги ўртача иссиқдан икки қарра кўп. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. “Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йилгари йилда минтақамиздаги икки йиллик дара — Амурдари ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда”, дея Ўзбекистон Президентини нутқидан иқтибос келтирган БМТ ахборот хизмати.

БМТ иختисослаштирилган идоралари вакиллари резолюция бўйича Ўзбекистон ташаббусини юқори баҳолади.

**Леанне БЕРНЕЙ,
“БМТ-сув ресурслари” техник маслаҳат механизми
дастури раҳбари:**

— Биз БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинганини олқишлаймиз. Ушбу муҳим резолюцияда белгиланган сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш, экотизимларини сақлаш ва озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш каби асосий устувор вазифалар “БМТ — сув ресурслари” дастури

мақсадларига тўла мос келади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Бош Ассамблеянинг 78-сессиясидаги маърузасида сув ресурслари муаммоларига алоҳида эътибор қаратганига гувоҳман. Ўзбекистон раҳбари ўз маърузасида олти марта сув муаммосини тилга олди. “БМТ — сув ресурслари” давлатингиз раҳбарининг халқаро ташаббусларини амалга оширишда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга қатъий интилишини билдираман.

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

БЮДЖЕТНИНГ ҲАР БИР СЎМИГА МАСЪУЛ БОР

2024 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМГАРМАЛАРИ ТАҚЧИЛЛИГИ 40,8 ТРИЛЛИОН СЎМ ЭКИ ЯИМГА НИСБАТАН 3,1 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ, 2025 ЙИЛДА 1,8 ФОИЗ, 2026 ЙИЛДА 2,2 ФОИЗГАЧА ПАСАЙИШИ ПРОГНОЗ ҚИЛИНГАН.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

“Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида ушбу ҳужжат янги таҳрирдаги Конституция, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, “ижтимоий давлат” тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилгани, унда Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазибалар инobatта олингани эътироф этилди. Яъни бюджет барқарорлигини таъминлаш, унинг даромадларини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, бу борадаги интизомни кучайтириш ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалалари бош молиявий ҳужжатни шакллантиришда асосий мезон бўлишига эътибор берилган.



Бошланиши 1-бетда

Кун кеча Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунда триллионлардан юқори сонлар ҳам жой олган. Хусусан, янги ички маҳсулотнинг умумий ҳажми келаси йилда 1 квадриллион 301 триллион сўми ташкил қилиши прогнози қилинмоқда.

Шундай экан, савол туғилади: бунчалик катта миқдордаги маблағлар қайси соҳаларга йўналтирилади ва уларнинг ҳар бир сўми учун қимматли натижа бериладими?

Президентимиз расмиётида 20 октябрь кунини 2024 йил давлат бюджетининг асосий йўналишлари ҳамда тармоқ ва ҳудудларда амалга оширилган вазибалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир сўми жуда тежамкорлик, ақл билан ишлатиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

“Энди давлат бюджетининг ҳар бир сатрига аниқ масъуллар бириктирилади. Агар вилоят, туман ва шаҳар ҳокими дунёқарашини ўзгартириб, маҳаллий корхоналарнинг ишини ривожлантириб, маҳаллий бюджетга қўшимча тушумини кўпайтирмас экан, иқтисодиёт барқарор бўлмайдими”, деди давлатимиз раҳбари.

Шу билан бирга, бюджет интизомини кучайтириш бўйича қонунчилик тақлифлар киритиш зарурлиги билдирилди. Бу борада бюджет маблағлари ҳисобидан тўридан-тўри шартномалар тузишга йўл қўймаслик, очик-ошкора танлов ва тендерлар ўтказиш амалиётини кенгайтириш қатъий кўрсатиб ўтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида ушбу ҳужжат янги таҳрирдаги Конституция, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, “ижтимоий давлат” тамойилларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилгани, унда Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазибалар инobatта олингани эътироф этилди. Яъни бюджет барқарорлигини таъминлаш, унинг даромадларини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, бу борадаги интизомни кучайтириш ҳамда ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалалари бош молиявий ҳужжатни шакллантиришда асосий мезон бўлишига эътибор берилган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Бюджетномага мувофиқ, 2024 йилда мамлакатимизда янги ички маҳсулотнинг ўсиши 5,6-5,8 фоиз, 2025-2026 йилларда эса мос равишда 6,2 ва 6,4 фоиз бўлиши, ўсиш суръатлари санаотда 6 фоиз, хизмат кўрсатиш соҳасида 6,1 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 4 фоиз бўлиши прогнози қилинган. Бу кўрсаткичларга ҳар бир соҳада бошланган таркибий ислохотларни сифатли давом эттириш орқали эришилиши кутилмоқда. Инфляция 2024 йилда 8-10 фоиз, 2025 йилда 7,5-8,5 фоиз, 2026 йилда 5,7 фоиз бўлиши назарда тутилган.

Асосий солиқ ставкалари ўрта мuddатли истиқболда ўзгаришсиз қолади. Шу сабабли даромадларини ошириш учун бюджет даромадлари базасини кенгайтириш, берилган солиқ ва боғжона имтиёзларини уларнинг самардорлиги ва натижадорлигидан келиб чиққан ҳолда

қайта қўриб чиқиш ва босқичма-босқич бекор қилиш инobatта олинган. Ҳужжатда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва барқарор ривожланиш миллий мақсадларида назарда тутилган устувор йўналиш ва вазибаларга эришиш эътиборга олинган. Хусусан, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга ёки аҳоли жон бошига 4 минг долларга етказиш назарда тутилган.

“2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонунда келгуси йилда консолидацияланган бюджет даромадлари 375 триллион сўм, харажатлари эса 427,6 триллион сўм миқдорда режалаштирилган ҳолда, консолидацияланган бюджет 52,6 триллион сўм ёки ЯИМга нисбатан 4 фоиз миқдордаги тақчиллик билан шакллантирилди.

Давлат бюджети даромадлари 270,6 триллион сўм, харажатлари эса давлат мақсадли жамғармаларга трансфертларни инobatта олган ҳолда, 312,9 триллион сўми ташкил этди. Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ва харажатлари (бюджетлараро трансфертлар ҳисобга олинмаган ҳолда) тегишлича 55,2 триллион сўм ва 85,8 триллион сўм миқдорда режалаштирилмоқда.

Кейинги йилда ҳам бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолиниб, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, фан, маданият ва спортни ривожлантириш, муҳтож аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда бошқа ижтимоий тадбирлар учун жами давлат бюджети харажатларининг қарийб 50 фоизи ёки 151,5 триллион сўм маблағ йўналтирилади.

Бюджет қонунда давр учун макроиқтисодий кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикаси консолидацияланган бюджетте тармоқларини ривожлантириш учун кўрсаткичларининг 2023 йил учун кутилаётган ижроси ва 2024-2026 йиллар учун прогнозлари асосида давлат бюджети қандай бажарилаётгани кутилмалари таҳлил қилинган.

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИгини КАМАЙТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Маълумки, 2023 йилги давлат консолидацияланган бюджети (давлат бюджети + давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари) 32,5 триллион сўм, ЯИМга нисбатан 3 фоиз миқдорда прогнози қилинган эди. Иил давомида давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, жумладан, тақчилликни молиялаштириш учун олинмаган қарзлар миқдори 2 миллиард доллардан ошмаслиги белгиланган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди эса бюджет тақчиллигини ЯИМга нисбатининг 5 фоиздан юқори бўлмаслигини таъминлаш вазибалари қўйилди.

Шу йил 4 август кунини Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамшид Қўчқоров Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги чиқишида 2023 йилнинг дастлабки олти ойида давлат бюджети даромадлари 100 триллион сўми ташкил этгани (76 триллион сўми Солиқ қўмитаси, 24 триллион сўми Божхона қўмитаси томонидан таъминланди), бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан (92,6 триллион сўм) 8 фоизга кўп эканини айтди. Бюджет харажатлари эса 129 триллион сўмдан ошган, бу ўтган йилги кўрсаткичдан (103 триллион сўм) 25,3 фоиз кўп. Шундан 65 триллион сўми ижтимоий соҳага йўналтирилган.

Демак, ЯИМ ушбу даврда 469,9 триллион сўми ташкил этгани ҳисобга олинса, давлат бюджети тақчиллиги (бунда консолидацияланган бюджет назарда тутилмайпти) 6,18 фоизга етган.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Давлат бюджети департаменти директори Шерзод Муҳаммедов жорий йил учинчи чораги якунлари ҳақида сўз юритар экан, “Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 9 ойликда давлат бюджети тақчиллиги янги ички маҳсулотга нисбатан 5,8-6 фоизни ташкил қилган. Бунга асосий сабаб ҳудудлардаги фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш учун йил давомида қўшимча маблағлар ажратилди, кам таъминланган оилаларга нафақа тўловларини тўлаш бўйича қўшимча пул берилди, иш ҳақи ва пенсиялар миқдори бюджет қонунда белгиланган мuddатлардан аввалроқ оширилди. Лекин бу йил якунида тақчиллик 6 фоиз бўлишини аниқламайди. Уни ка-

даромадлари прогнози 375 триллион сўм, харажатлари прогнози 427,6 триллион сўм миқдорда, консолидацияланган бюджет — умумий фискал баланси ЯИМга нисбатан 4 фоиз миқдорда тақчиллик билан режалаштирилмоқда. Консолидацияланган бюджет тақчиллигининг ушбу миқдорда белгиланиши жаҳон иқтисодиётидаги ноаниқликлар ва геосийосий вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини юмшатиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, аҳоли тўлов қобилияти тушиб кетишининг олдини олиш тадбирларига қўшимча маблағлар ажратилиши, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва преференциялар берилиши натижада бюджет йўқотишларининг келиб чиқиши билан изоҳланган.

Бюджетномада бюджет тақчиллигини қоплаш учун маблағ манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. Хусусан, 2024 йилда бюджет тақчиллигининг юқори чегараси 4 фоиз этиб белгиланиши сабабли инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги ташқи қарз миқдори сақлаб қолиниб, тақчилликни қоплаш учун жалб қилинадиган қисмини оширган ҳолда, ташқи қарзнинг чекланган ҳажмини 5 миллиард доллар миқдорда, шундан 2,5 миллиард долларни давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, жумладан, бюджет тақчиллигини, қолган қисми инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат қарзи портфелини диверсификация қилиш ҳамда валюта хатарларини камайитиш мақсадида 2024 йилда Ўзбекистон Респуб-

“**Давлат бюджети муҳим ҳуқуқий, сиёсий ва молиявий ҳужжат бўлиб, унда мамлакатимиз тараққиётининг барча устувор йўналишлари жамланган. “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонун ҳам аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун хизмат қилади. Қўллаб муҳим жараёнлар, жумладан, ҳудудларнинг иқтисодий масъулияти ва мустақиллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, жамоатчилик ва давлат институтилари ўртасида фаоллаштириш учун асос бўлади.**

ликаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қозғаларининг чекланган соф ҳажми 25 триллион сўм (2023 йилда 17 триллион сўм) миқдорда белгиланган.

Узоқ мuddатли даврда макроиқтисодий ва бюджет барқарорлигига эришиш учун тақчилликнинг ўрта мuddатли даврида 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, бунинг учун бюджет маблағларини мақбуллаштириш, даромадлар базасини кенгайтириш, самарасиз солиқ имтиёзлари ва преференцияларини бекор қилиш орқали тақчиллик миқдорини босқичма-босқич пасайитириш бориш зарур бўлади.

2024 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги 40,8 триллион сўм ёки ЯИМга нисбатан 3,1 фоизни ташкил этиши, 2025 йилда 1,8 фоиз, 2026 йилда 2,2 фоизгача пасайиши прогнози қилинган.

НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТ ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗДА TUTАДИ?

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 46-мақсадида “Фискал барқарорлиқни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун 5 та самарадорлик кўрсаткичидан бири сифатида 2030 йилгача натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиётига тўлиқ ўтиш кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бош-



қариш тизимини такомиллаштириш стратегиясининг асосий мақсадларидан бири бу — ўрта мuddатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги натижага йўналтирилган тизимини жорий этиш ҳисобланади, у орқали ҳар бир давлатнинг миллий стратегиясида (5-10 йиллик) белгиланган устувор мақсадларга эришиш учун давлат бюджетидан сарфланадиган маблағларнинг узвий боғлиқлиги таъминланади.

Шу боис, мазкур тизимга ўтишининг дастлабки босқичида сўнгги уч йилда тақчиллик стратегияси ҳамда миллий барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазибалардан келиб чиқиб, вазирлик ва идоралар бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари белгиланади. Бунда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар устидан парламент ва жамоатчилик назорати ўрнатилиши алоҳида ўрин тутади. Вазирлик ва идоралар бюджет харажатларининг мақсадли индикаторлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари Олий Мажлис палаталарида муҳокама қилиш учун киритиб борилади.

— Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг қабул қилиниши билан бюджет тизими тамойиллари такомиллаштирилиши ва 2020 йил 1 январдан натижага йўналтирилган бюджет амалиётига ўтиш бошланган, — деди иқтисодчи Комилжон Эрназаров. — Унга кўра, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, автомобиль йўллари ва сув ҳўжалиги соҳаларида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш амалиётини босқичма-босқич татбиқ этиш назарда тутилди. Шу тараққа мамлакатимизда ҳам бу борадаги дастлабки қадамлар қўйилиши бошланди.

Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш жорий этишдаги бош тамойил “бюджет харажатларини бошқариш”дан “натижаларни бошқариш”га ўтишни ўзда ифода этади. Бу жараёнда асосий мезон мuddатлилик ҳисобланади. Сабаби, мамлакатни ривожлантириш стратегик мақсадлари узоқ мuddатли хусусият касб этиши боис, бюджет харажатларини режалаштиришда мазкур тамойилни инobatта олиш зарур. Уз навбатда, мазкур ҳижат ўрта ва узоқ мuddатли бюджетлаштириш шаклининг вужудга келишига хизмат қилади. Шу боис, 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистонда бюджетнома 3 йилга мўлжаллаб режалаштирилиши амалиёти жорий этилди. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллаш тўғрисида”ги қарори билан илк марта ўрта мuddатли бюджет қабул қилинди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2024-2026 йилларга мўлжалланган Бюджетномада қайд этилишича, 2022 йилда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда дастурий

бюджетлаштириш тизими бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар таҳлил қилинди ва келгуси режаларни ишлаб чиқиш мақсадида халқаро экспертлар жалб этилди. Улар томонидан амалга оширилган баҳолаш натижасига мувофиқ, мавжуд муаммоларнинг ечимини бўйича асосий тавсиялар тайёрланди.

Ана шу ҳижатлар инobatта олинган ҳолда, 2024-2026 йилларда дастурий бюджетлаштириш (натижага йўналтирилган бюджетлаштириш) тизими бўйича амалга ошириладиган истиқболли режалар ишлаб чиқилди. Жумладан, унда Вазирлар Маҳкамасининг “Дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда бюджет маблағлари тақсимловчиликнинг бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, мониторингини юритиш ва уларнинг самардорлигини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини қабул қилиш мўлжалланган. Айни кезде низом лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Шунингдек, режада синов тариқасида 2025-2026 йилларда Соғлиқни сақлаш ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирликларининг бюджет харажатларини дастурлар кесимида ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, вазирлик ва идораларнинг масъул мутахассислари учун мунтазам равишда бюджет дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини мониторинг қилиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилиш ҳамда уларни ўқитиб бориш, Жаҳон банкининг Институционал салоҳиятни ошириш лойиҳаси доирасида тизимни такомиллаштиришга қаратилган халқаро маслаҳатчиларни жалб этишга доир техник вазифани қайта қўриб чиқиш, 2025-2030 йилларга мўлжалланган натижага йўналтирилган бюджетлаштириш жорий этиш амалиёти чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг 2024-2026 йиллар учун улардан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторларини тасдиқлаш, синов натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига вазирлик ва идораларнинг ривожланиш режаси, бюджет дастури тушуқчаларига ўзгартириш киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш сингари йўналишлар ҳам ўз ифодасини топган.

Мухтасар айтганда, давлат бюджетини муҳим ҳуқуқий, сиёсий ва молиявий ҳужжат бўлиб, унда мамлакатимиз тараққиётининг барча устувор йўналишлари жамланган. “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонун ҳам аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш учун хизмат қилади. Қўллаб муҳим жараёнлар, жумладан, ҳудудларнинг иқтисодий масъулияти ва мустақиллигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, жамоатчилик ва давлат институтилари ўртасида самарали, кўп қиррали ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун асос бўлади.

ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

САНОАТ



“ЖАНУБИЙ ТАНДИРЧА” КОНИ

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ БАРҚАРОРЛИГИДА ҚАНЧАЛИК АҲАМИЯТЛИ?



“Кончиларнинг маълумот беришича, баян топилган қанчалардан айнан шу манзил атрофи доира шаклида, яъни тандирча оғзи каби айлана бўлиб жойлашган. Шу боис, “тандирча” деб ном берилган. Кейинчалик географик жойлашувига қараб “Жанубий тандирча”, дея юритила бошлаган.

Бошланғичи 1-бета

Янги иш бошлаган станция фаолияти билан оммавий ахборот воситалари вакиллари таништириш мақсадида пресс-тур ташкил этилди.

Қарши шаҳридан бир оз юрсангиз, Ғузор тумани худуди бошланади. Бу туманда табиий бойлиқлар, айниқса, нефть конлари кўп. Шунингдек, “Шўртангазим” мажмуаси, “Uzbekistan-GTL” каби йирик корхоналар шу худудда жойлашган. Айнан шу икки заводга яқин манзилдан чап томонга қараб кенг адириклар ораб кетиб борарканмиз, беопен кенгликларда гоҳ-гоҳида нефть-газчиларга тегишли техникаларни айтмаганда, деярли бирор машина кўзга ташланмади. Ниҳоят, пасту бандликлардан ўтиб, сахар ўртасидаги йирик иншоотга етиб келдик. Бу манзилни “Жанубий тандирча” кони деб аташаркан. Бунинг сабаби билан ҳам қизиқдик.

Кончиларнинг маълумот беришича, баян топилган қанчалардан айнан шу манзил атрофи доира шаклида, яъни тандирча оғзи каби айлана бўлиб жойлашган. Шу боис, “тандирча” деб ном берилган. Кейинчалик географик жойлашувига қараб “Жанубий тандирча”, дея юритила бошлаган.

Каттагина жойни эгаллаган айлана ичида бир қанча конлар мавжуд. Янги ишга тушган қанчалар табиий газ захираларини чуқур ўзлаштиришни таъминлашга қаратилган ушбу лойиҳа бош пудратчи — “Enter Engineering” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган.

Объектнинг лойиҳавий қиймати 74,1 миллион долларни, йиллик қуввати 4 миллион куб метр табиий газни ташкил этади.

— “Жанубий тандирча” конини ўзлаштириш 2001 йилда бошланган бўлиб, ҳозирга қадар қазиб олинаётган табиий газ қатлам энергиясидан фойдаланилган ҳолда, қарийб 40 километр узокликдаги “Шўртан” қонида жойлашган газни дастлабки тайёрлаш курилмасига, ундан кейин “Шўртан” сиқув

компрессор станцияси 1-, 2-навбатлари орқали “Шўртан” бош иншоотига етказиб берилган. — Шунингдек, 6 та газ поршенли электростанция ўрнатилган, уларнинг ҳар бири соатига 800 кВт. электр энергияси ишлаб чиқаради. Лойиҳани амалга оширишда Россия, Хитой ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган технологик ускуналардан фойдаланилган.

Айтишларича, айнан шу жойга электр тортиб келиш учун қандайдир 40 километр масофа бор экан. Бунча узокликдан электр токи олиб келиш эса катта маблағ талаб этади. Бундан ташқари, носозликлар, узилтишлар бўлиб туриши табиий. Янги электростанциялар эса шу ернинг ўзида доимий назоратда бўлади.

Соҳа ходимлари таъкидлашича, станциядаги агрегатлар декабрь ойининг бошида ишга туширилган. Газ ҳайдаш агрегати кунига 1,5 миллион куб метр табиий газ босимини кўтариб бериш қувватига эга бўлиб, лойиҳавий ечимга асосан 2 та агрегат ишчи ва 1 та агрегат захира тартибда ишлайди. Тандирча журналистларга ушбу станциянинг қондаги қатлам босимининг табиий тушиши шариоитида углеводородлар қазиб чиқариш кўрсаткичларини барқарор таъминлашдаги аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

Қондаги мавжуд газ захираларини максимал даражада ўзлаштириш ва қудуқлардан қазиб олинаётган табиий газни кейинги босқич технологик курилмаларига узлуксиз етказиб бериш босқичлари ҳақида ҳам батафсил айтиб ўтилди.

Қайд этиш жоизки, шу пайтга қадар қонга қарашли 40 та қудуқдан кунига 1,8 миллион куб метр газ қазиб олинаётган бўлса, станция ишга туширилгандан сўнг бу кўрсаткич кунлик 2,3 миллион куб метрни ташкил қилмоқда. Босқич-босқич ишга туширилаётган станцияда айни пайтда 63 нафар муҳандис, техник ходимлар хизмат қилмоқда. Станция шу ойнанинг якунига қадар тўлиқ қувватда ишга туширилади.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Шерзод Қорабоев олган суратлар.

Фарғонанинг Тошлоқ туманидаги “Тараққиёт” кичик саноат зонасида “FER KABEL” МЧЖ томонидан кабель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Бугун бу ерда умумий қиймати 13 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида йилга 40 турдаги 6 миллион метр кабель ишлаб чиқарилмоқда. Янги корхона бир вақтнинг ўзида 100 дан зиёд ёшнинг бандлигини таъминлади.

ИМКОНИЯТ ВА САЛОҲИЯТ КЕНГАЙДИ



— Уйимизга яқин худудда саноат корхонаси ташкил этилгани биз, ёшлар учун катта имконият, — дейди Акбаржон Акбаров. — Авваллари жўяли иш тополмай, ўзга юртларга боришга мажбур бўлганмиз. Энди бунга ҳоҳат қолмади. Иш ҳажми, шарт-шароитлар жуда яхши.

Саноат ва халқ ҳўжалиги тармоқлари учун муҳим бўлган турли кабелларга талаб ички ва ташқи бозорда юқори. Шу вақтга қадар унинг асосий қисми импорт қилинган. Янги лойиҳа бу борада ортиқча овозгарчилик, сарсонгарчиликларнинг олдини олиш, валюта маблағларини тежаш имконини бермоқда.

— Илгарилари бир қарч ер олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жуда мушкул эди, — дейди тadbirkor Султонали Тохиров. — Кейинги йилларда ҳаммаси ўзгарди. Tadbirkorликни қўлаб-қуватлашга қаратилган имтиёз ва имкониятлар янги гоё ва мақсадларга ундамоқда. Энди мисни қайта ишлаш лойиҳаси устида ишляймиз. Бу орқали ҳам юзлаб киши ишли бўлади.

Кичик саноат зоналарида иш бошлаган, инвестиция жалб қилган тadbirkorлик субъектлари ер ва мулк солиғидан озод қилинган. Бундан ташқари, йўл, газ, сув, электр энергияси инфра-тузилмаси яхшиланиши маҳсулот ҳажми ва сифатини ошириш, таннархини арзонлаштиришга хизмат қилмоқда.

Тошлоқ туманидаги “Келажак” кичик саноат зонаси Қирғули қир-адирлари-га туташиб кетган. Асрлар давомида эътибордан четда қолган, тош-шағалдан иборат кенгликларда бугун ҳаёт қайнамоқда.

“Zamin Aziya Farm” МЧЖ инвестиция лойиҳаси тибиёт тармоқлари учун керакли инфузион эритмалар ишлаб чиқаришни кўзда тутди.

— Умумий қиймати 43,6 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида йилга 8 миллион флакон инфузион

Тошлоқ туманидаги “Келажак” кичик саноат зонаси Қирғули қир-адирларига туташиб кетган. Асрлар давомида эътибордан четда қолган, тош-шағалдан иборат кенгликларда бугун ҳаёт қайнамоқда.

эритма ишлаб чиқарилади. — дейди лойиҳа муаллифи Ҳабидулло Нейратжонов. — Фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришни

ривожлантириш, ташаббусларни қўлаб-қуватлаш учун берилган имтиёз ва имкониятлар соҳа ривожига муҳим қадам бўлмоқда. Истиқболда авваллари четдан олиб келинган бошқа дори-дармонни ҳам босқичма-босқич маҳаллий шариоитида ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Саноат зонаси қурувчи ёшлар, ташаббускорлар билан гапму. Умумий майдони 17 гектар худудда қиймати 45 миллиард сўмликдан ортиқ истиқбол-ли лойиҳалар доирасида қурилиши, мебель, ип-калава, пластмасса маҳсулотлари, озик-овқат, мевани қайта ишлаш йўналишларидаги корхоналар қурилиши жадаллик билан олиб бори-лмоқда.

— Кўп йилдан буён қурилиш маҳсулотлари сотиш ва етказиб бериш билан шуғулланаман, — дейди “Бехрўзбек Осие тараққиёти” оилавий корхонаси раҳбари Бекзод Қодиров. — Қишлоқ жойларда саноат зоналари ташкил этилгани айни муддао бўлди. Бу жойдан ер олиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш устида ишляймиз. Қиймати 2 миллиард сўмлик лойиҳани амалга оширялмиз. Корхонамиз ишга тушса, бир кунда 5 тоннадан ортиқ қурилиш электродлари ишлаб чиқари-лади.

Тошлоқ туманида 119,2 гектар майдонда 7 та кичик саноат зонаси ташкил этилган. Худудларда ишлаб чиқариш тармоқлари учун муҳим бўлган электр энергияси, табиий газ, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, йўл ва йўлақлар барпо этиш кўлами қундан-қунга кенгайиб бормоқда. Натияжада туманининг саноат салоҳияти ўсиб, импорт ўрни-ни босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди, сифати яхшиланди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЖАРАЁН

ҚИШ ЎҶОҒИ ТОР БЎЛМАЙДИ



Тан олиб айтиш керак, ўтган қишдаги аномал совуқ бу борадаги айрим камчиликларни яққол кўрсатиб берди. Шунинг учун юртимизда бу йил куз-қиш мавсумига ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик қўрилди.

Навоий вилоятида қиш мавсумини беталафот ўтказиш, ижтимоий объектлар ва аҳолининг электр энергияси, газ ва кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Иссиқлик тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, эскилари янгиланди.

Вилоят аҳолиси, йирик корхона ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг электр энергиясига бўлган талабини қондиришда “Навоий иссиқлик электр станцияси” корхонаси алоҳида эрн тутди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш кучларининг имкониятини янада оширишда кўп энергия сарфлайдиган, маънан эскирган асбоб-ускуналарни технологик жиҳатдан замонавий, энерготежамкор ускуналарга алмаштириш, мавжуд технологияларни оптималлаштириш ва янгиларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу

боис, мазкур корхона ҳам батамом янги тизимга ўтмоқда ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қатор истиқбол-ли лойиҳалар амалга оширилди. Бу эса вилоятда электр энергияси таъминоти янада яхшиланишида, айниқса, қиш мавсумида узилтишларнинг олдини олишда муҳим омили бўлмоқда.

Худудларда ҳам куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўрилиб, тизимли ишлар бажарилди. Қизилтепа туманидаги Хонрабд маҳалласи мисолида оладиган бўлсак, “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” тамойили асосида қилинган ишлар самарасида ҳудуд бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мактаб, оилавий лифтоқорлик пункти, маҳалла идораси биноларида қиш мавсумига пухта тайёргарлик қўрилди. Мавжуд иситиш қозони янгиланиб, қувур ва хоналардаги барча иситиш батареялари алмаштирилди. Жараёнда 688 аҳоли яшаш хонадонидида газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилиб, 28 та янги газ баллони етказиб берилди. Шунингдек, 600 метр табиий газ тармоғида таъмирлаш ишлари бажарилди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш

Аллақачон ҳаво ҳарорати пасайиб, қорли-қировли кунлар бошланди. Сир эмас, ҳаво совини билан электр энергияси ва газга бўлган эҳтиёж ҳам ортади. Колаверса, иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиши ҳам ёқилги-энергетика ресурсларига талабни оширмоқда.



мақсадида 245 та темир-бетон устун ўрнатилди, 13,3 километр узатли тармоқлари тортилди.

— Маҳалламизда аҳолига кўмир арзон нархда берилди. Уйларимиз иссиқ. Электр энергиясида ҳам аввалгидек узилтишлар кузатилмаяпти. Жамоатчилик назорати асосида шифохона ва мактаблардаги қишга тайёргарлик ҳоплати билан танишдик. Бу масканлар ҳам тўлиқ кўмир билан таъминланган. Қозонхоналар ишлаб турибди. Уқувчилар иссиқ шифохоналарда таълим олмоқда, — дейди маҳалла фаоли Ҳожибеги Содиқова.

Навбахор туманидаги Қоровултепа маҳалласида 692 хонадонда 3186 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнида электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида 45 та темир-бетон устунлар ўрнатилиб, 12 та трансформатор таъмирланди, 1,3 километр янги тармоқ тортилди. Зарур ҳолларда газ баллонлари етказиб берилди, 671 аҳоли хонадонидида газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилди ҳамда табиий газ тармоғи реконструкция қилинди.

— Ўтган қишдаги аномал совуқ вақтида мактабнинг иссиқлик тизими буткул ишдан чиққан эди. Бу йил иссиқлик тармоғи тўлиқ янгиланди. Янги қозонхоналар ўрнатилиб, кўмир билан таъминланди. Энди бу борада муаммо йўқ ва шифохоналар иссиқ, — дейди маҳалладаги мактаб директори ўринбосари Хуррият Умарова.

Нурота — вилоятнинг олис туманларидан бири. Тоғли худудда қиш ҳам анча совуқ келади. Шу боис, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида туманда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Табиий газ етиб бормаган узок маҳалла ва қишлоқларга суолтирилган газ баллонлари, кўмир мунтазам етказиб берилмоқда. Туманда электр энергияси бўйича 1391,8 километр ҳаво тармоғи, 473 та трансформатор пункт мавжуд бўлиб, 21 мингдан зиёд истеъмолчи мавжуд. Электр энергиясида ортиқча юктамаларнинг олдини олиш мақсадида худудларда қўшимча трансформаторлар ўрнатилиб, эскирган тармоқлар янгиланмоқда.

— Туманда куз-қиш мавсумини узилтишларсиз ўтказиш мақсадида 6 та бригада ташкил этилиб, уларга 33 ходим, 2 та махсус техника ва 6 та хизмат автомашинаси жалб қилинган. Узок худудлардаги истеъмолчиларга узлуксиз электр энергияси етказиб бериш борасида ишлар қизгин давом этмоқда. Жумладан, Янги турмуш маҳалласида 72 та темир-бетон устунлар ўрнатилиб, 1,8 километрлик электр узатиш тармоғи янгиланди, қўшимча трансформатор ўрнатилди, — дейди Нурота туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи Аббос Ҳайдаров.

Вилоятда кўп қаватли уйлари ҳам куз-қиш мавсумига тайёрлашга алоҳида

эътибор қаратилди. Бунинг учун 54 миллиард сўм сарфланиб, 364 та кўп қаватли уйда иссиқлик тизими тўлиқ таъмирланди.

Албатта, қишни беталафот ўтказиш, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик билан таъминлашда етарли кўмир захирасини яратиш муҳим ҳисобланади. Сабаби, барча худудларда ҳам табиий газ йўқ. Айниқса, ижтимоий соҳа объектларининг қозонхоналари кўмир билан иситилади. Шу мақсадда вилоятда ижтимоий соҳа объектлари учун 40 минг тоннага яқин, аҳоли учун 8 минг тонна кўмир жамғирлиди ва айни вақтда белгиланган жойларга, аҳолига мунтазам етказиб берилмоқда.

Вилоятда қиш мавсумида иссиқлик манбаи, электр энергияси, газ ва бошқа шў каби таъминотларда узилтишлар бўлмаглиги, содир бўлиши мумкин бўлган аварияларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида штаблар тузилиб, махсус бригадалар ташкил этилган. Улар фуқаролар мурожаати асосида жойларда юзага келган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради.

Куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик аҳолининг совуқ кунларда турли нуқталарда ва қийинчиликларга дуч келмаслигини таъминлайди. Фуқаролар ҳам, ўз навбатида, электр энергияси ва газдан тежамкорлик билан фойдаланиши мақсадида мувофиқ. Бу эса ортиқча юклама ва турли муаммоларнинг олдини олишда муҳим омили ҳисобланади. Шунинг учун бир инсон ҳис қилса, ана шунда қиш ўчоғи ҳар қачон тор бўлмайди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҒАЛАБА ВА БАХТ ЧИНДАН ҲАМ АСТОЙДИЛ ИНТИЛГАННИКИ ЭКАН

Дилдора ЁРБУЛОВА,
Президент стипендияси совриндори, Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси

Тўрт йил илгари кимдир бугунги муваффақиятларим ҳақида башорат қилса, тўғриси, ишонмасдим. Чунки ўн бир йил бош кўтармай ўқиб, келажagini куриш учун астойдил тиришган бир қиз эдим ва шунча ҳаракатимга қарамай, университетга шартнома асосида ўқишга қабул қилингандим. Бу мен учун катта мағлубият эди. Отам — деҳқон, онам — уй бекаси, табиийки, уларнинг мени ўқитиш учун имкони йўқлигини билардим. “Келаси йил ўқийман”, дедим қатъий. Бироқ отам ўқийман кераклигини, мол-ҳолни сотиб бўлса-да, мен учун ҳаракат қилишини айтиди. Келажаким ёрқин бўлишига ишонтирди.

Болалигим Қашқадарёнинг Китоё туманида ўтди. Ҳали мактаб ёшига етмай саводим чиқди. Бошланғич таълими Навбахор қишлоғидаги мактабда олдим, сўнг ўқийми 2-ДИУМда давом эттирдим. Мактабда ўқиб юрган кезларим уйга берилган вазифаларни бажаришда ота-онамдан ёрдам сўрамаганман, улар топшириқни тушунасиз, қийнаб қўяман, деган ҳавотирда бўлганман. Барча вазифани ўзим ба-



жарар, тушунмасам, аввалги ва кейинги мавзуларни ўқир, то уша топшириқни бажармагунча ухламасдим.

Ихтисослашган мактабга ўтган бидимки, мендан кучли ўқувчилар бор. Чунки бу ерда виллотимизнинг энг билимдон ёшлари сараланган. Улар билан тенглашиш, орда қолиб кетмаслик учун интилдим. Дастлаб шифокорлик касбини танлаш орзуси пайдо бўлди. Кимё фанига меҳр кўйдим, фан олимпиадаларида фаол қатнашдим. Виллот босқичида ўрин ололмаганимдан сўнг бу йўналиш меники эмаслигини англаб, тарихчи бўламан, деган қарорга келдим. Ўқитувчимиз Акмал Маъдиевнинг тарих фанини ўқитиш услуби иштиёқимни кучайтирди. Эсимда, 7-синф ўқувчиси эдим. Фанга шу қадар қизиқиб кетдимки, гўёки турли даврларда, дунёнинг кўплаб минтақаларида яшаб юрардим. Воқеалар тасмадек миямда айланарди. Ҳатто тест ёки синон имтиҳонлари бўлса, ўқитувчимиз мени синф бурчагига, тенгдошларимдан алоҳида ўтказиб қўярди.

8-синфда сафимизга янги ўқувчи қўшилди. Синфдошимиз тарих фанидан зўр ўқирди. У келгунча “Билимдонлар доскаси”да ҳамма 1-ўринни банд қилиб келган бўлсам, сўнг 2-ўринга тушиб қолдим. Қанча ҳаракат қилмай, ундан ўзиб кетолмадим. Негадир табиатимда лидерликка интилиш кучли бўлган. Менда яна ўз йўналишимни ўзгартириш истаги пайдо бўлди.

Кунларнинг бирида мактабдан қайтарканман, йўл четига дўконлар ва реклама таълиқларидаги ёзувларнинг ўзга тилда экани, устига устак, хато ёзилгани эътиборимни тортди. Асли-

да, бу ёзувлар илгари ҳам бўлган ва менда адоқсиз саволлар туғилган: нима учун сўзлар ажнабий тилларда ёзилган? Нима учун реклама тахталаридаги сўзлар лотин алифбосида эмас? Нима учун сўзлар хато берилган? Матнларни текшириб берадиган ёки назорат қиладиган мутахассислар йўқми?..

Шу тариқа мен она тилимизни чуқурроқ ўрганишга аҳд қилдим. “Йилнинг энг фаол ўқитувчиси” танлови ғолиби Дилноза Бердиева устозимизнинг эътиборида маҳкам тутдим. Ҳатто пандемия пайти ҳам алоҳида онлайн дарс олдим, ўз устимда тинимсиз ишладим. Мақсадим Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабалари сафидан жой олиш эди. Бироқ у ерга киролмадим. Чирчиқ давлат педагогика университетида шартнома асосида



ўқишга қабул қилиндим. Талабалар сафига қўшилган йигит-қизларда одатда ҳажжон, қувонч бўлади. Менда аксинча эди.

Мен ўзимдан катта натижа кутган эдим. Шундай бўлса-да, отамнинг раъйини қайтаролмадим. Университетимизнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасига бориб, кафедра мудирига мен учун вақт ва меҳрини аямаядиган устоз топшим зарурлигини, мен ҳақиқий мутахассис бўлмоқчи эканимни айтдим. Илмий раҳбар танлашда ёрдам беришини сўрадим.

Илм билан бирга ижодий ишларимни чоп этишга киришдим. Устозларим кўмаги билан университетда ижодкор ёшлар гуруҳини очдик. “Педагог илҳомлари” антологиясини чоп эттирдим. Мазкур китобга ўзим муҳаррир бўлдим. Бу илк катта меҳнатим эди. Иккинчи курсда эса “Қалбим куйлари” ёшлар тўплами нашрдан чиқди. Бу гал нафақат назм, балки насрий асарларни ҳам қамраб олдик.

Илмий мақолалар устида жиддий ишладим. Олима Нодира Холиқова менга мақола нима экани, илмий ишнинг аҳамияти, таҳлил ва танқид ҳақида тушунчалар берди. Юмуши кўп эканини билардим, шундай бўлса-да, ўқийман сўнг бизни қабул қилиб, илм ималигини онгимизга сингирди. Яхши бир ўқитувчининг инсон ҳаётидаги ўрни нақадар муҳим эканини шунда англаганман. Илм йўли машаққатли, бироқ бу йўлга отланган инсон юргани сайин покларни боришини ҳис қилдим.

Илк мақолам Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асари таҳлилига бағишланди. Бу мақола устида

салкам бир ой ишладим. Кўплаб хатоларни тўғриладик, нотўғри берилган танқидлар, таҳлилларни муҳокама қилдик.


2-курсда ўқиганнимда фанлардан ўзлаштириш кўрсаткичим намунали бўлгани боис, факультетимиз декани ўринбосари давлатимизнинг номдор стипендияларига ҳужжат топшириб, билим ва иқтидоримни синаб кўришимни маслаҳат берди. Бу катта имконият эканини айтди.

Илмий ва публицистик мақолалардан ташқари қўриқ-танловлар, “Заковат” интеллектуал ўйинларидаги фаолликлар, “XXI аср аёли” танловидоги иштироким менга қўл келди. Танловда қатнашиш учун ҳужжат топширдим. Ўқув-услубий қўлланма, 30 га яқин мақолам республика ва халқроқ нашрларда чоп этилди. Буларнинг бари менга Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори бўлиш имконини берди. Шунда отамга кўнгирак қилиб, мени ўқитиш учун қилган қарори нақадар тўғри эканини, ишончини оқлаш учун ҳаракат қилганимни, бу ёнига давлатимиз кўмаги менга қўл келишини айтдим.

Шу босқичда қотиб қолмаслигим кераклигини англаб, ўз олдимга яна бир мақсад қўйдим: “Мен “Президент стипендияси совриндори бўламан!” Бу мақсад йўлида кўп нарсани ўргандим: инсон жамиятда ҳамма фаол бўлиши, бошқаларни ордин эргаштира олиши, тенгдош ва ўзидан кейин келаётган авлодга ўрнак бўлиб, уларни руҳлантириши керак экан. Президент стипендияси — талабалар учун энг нуфузли танлов. Тенгдошларим кучли эди, менда кўрқув бўлди. Бироқ илмий раҳбарим Адиба Давлатованинг руҳан кўллаб-қувватлаши билан умидимни йўқотмадим. Фанлар, қолаверса, инглиз тили ва IT бўйича ўрганганларимни мустаҳкамладим, янги билимлар эгалладим. Кўплаб тенгдошларим ёнги таътил вақти ҳордиқ чиқараётган, янги ўқув йилига куч йиғайтганда мен бир ўзим қаватига олиб, тайёргарлик кўрдим. Моддий томонлама қийналган пайтим кунлик меҳнат қилиб, пул топдим. Оч қолдим, бироқ мақсадим қатъийлиги учун бу мени чўчитмади. Қайтанга ёлғиз қолган пайтларим ўзимни тинглашга, мушоҳада юриштишга имкон туғилди. Ўзимга ўзим далда бердим.

“Имтиҳонда қийналмадим, билганларим тушди. Илмий ишим мавзуси, мақсад ва режаларимни инглиз тилида ифодалаб бердим. Қувонарлиси, танлов шаффоф ва адолат мезонлари асосида ўтди. Натижани эшитгач, кеч бўлишига қарамай, илмий раҳбаримга етказдим. Чунки у натижани мендан кўра кўпроқ кутар, мен учун қайғурарди.

Олдинда бир-бирдан катта ва ҳаётимга мазмун берадиган мақсадлар, орзулар бисёр. Уқийшим давом эттириб, мамлакатимиз илм-фанига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. “Чўлпон насрида хронопол” мавзусидаги илмий тадқиқотимни давом эттириб, дунё эътиборини ўзбек адабиётига, илм-фанига қаратмоқчиман. Бир қизнинг ўз келажagini яратиб олиши учун имкон берган, меҳнатига адолат билан ёндашган, кўллаб-қувватлаган давлатимизга ўз меҳнатим билан миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Яна айтмоқчиманки, Президентимиз Ёшлар кўни муносабати билан йўллаган табриғида ғалаба ва бахт астойдил интилганники эканини таъкидлаган, бу мени жуда руҳлантирган эди. Тенгдошларимга ҳам бугунги шароитдан фойдаланинг, ўз устинида астойдил ишланг, натижаси эса самарасиз бўлмайди, дегим келади.



Шаҳноза НАЗАРОВА,
филология фанлари доктори

Бошланиш 1-бетда

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг анжуман иштирокчилари, умуман, шу йўналишда фаолият юритаётган олимларга мурожаати миллий ва халқроқ миқёсда қилиниши керак бўлган ишлар, туркий дунё фарзандларининг маънавий қиёфасини сақлаб қолиш ва янги уфқларни очишга қаратилган ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш талаби бўлиб ҳам янгради.

“Ўз моҳият-эътиборига кўра ноёб ижтимоий-сиёсий феномен бўлган жаҳидчилик ғоясининг шаклланиши ва тараққиётига доир дунёнинг бир қатор мамлакатларида кўплаб тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ушбу ҳаракат намунадаларининг Марказий Осиё ҳудудига миллий давлатчилик ва минтақавий ўзига хослики, фуқаролик жамиятининг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини концептуал ва тизимли асосда атрафлича ўрганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда”, дейилган мурожаатда бу ҳаракат дастурининг бош бўғинлари сифатида бир қатор йўналишлар кўрсатиб берилди.

Биринчи: тараққийпарвар аждодларимизнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш.

Иккинчи: Туркистон жаҳидларининг миллий давлатчилик ривожидоғи ўрни ва таъсирини ўрганиш.

Учинчи: XX асрнинг биринчи чорагида улар барпо этган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш.

Туртинчи: дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятига тарихий баҳо бериш.

Бешинчи: янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансини бунёд этишда ушбу мероснинг мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалаларни кечиктирмай кун тартибига қўйиш.



Олтинчи: жаҳид боболаримиздан мерос йўли — билим ва маърифат, дунёвий тараққиётни эгаллашда янги босқичга кўтарилиш.

Еттинчи: мактаб, театр, кутубхона, нашрият, газета-журналлар фаолиятида, ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбориш, жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш амалиётида жаҳидлар каби миллий тараққиёт йўлидан оғинмаслик.

Саккизинчи: давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ, молия, солиқ тизимлари, ер масалаларини тадрижий асосда тубдан ислоҳ қилиш учун ғоявий ва амалий ҳаракатлар олиб боришда жаҳидлар каби янги миллий уйғониш, миллий тараққиёт ғоясини рўёбга чиқаришда бор куч ва имкониятларини сафарбар этиш.

Тўққизинчи: халқимиз озоқлиги ва Ватанимиз равнақи йўлида азиз жонларини фидо қилган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларнинг фаолияти ва меросини янгилаш тафаккур асосида ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш.

Ўнинчи: архив ҳужжатларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, илмий тадқиқот ишларини бажариш учун мақсадли грантлар эълон қилиш, янги бадий ва публицистик асарлар яратиш, хорижий илм-фан марказлари, фонд ва музейлар, кутубхоналар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Ўн биринчи: маърифатпарвар боболаримиз олға сурган ғоявий-сиёсий, ижтимоий-маърифий ва ҳуқуқий-ахлоқий қарашлар, турли миллат ва эллар ўртасида бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш билан бирга, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга қаратилган интилишларни хоҳирги мураккаб ва таҳликали замонда барчамиз, аввало, ёшлар учун чинаяк ибрат намунасига, даъваткор кучга айлантириш.

Зотан, мурожаатда айтилганидек, “Бугунги кунда янги Ўзбекистонда ин-



“БУГУНГИ КУНДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҚАДРИ УЛУГЛАНАДИГАН АДОЛАТЛИ, ЭРКИН ВА БОДО ЖАМИЯТ, ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ ЖАДИД БОБОЛАРИМИЗНИНГ ЭЗГУ ҒОЯ ВА ДАСТУРЛАРИГА ҲАР ЖИХАТДАН УЙҒУН ВА ҲАМОҲАНДИР”.

сон қадри улуғландиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислохотларимиз жаҳид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳандир”.

Анжуман доирасида 70 дан ортиқ маъруза тинланди. Бу дунё миқёсидаги соҳага доир тадқиқотлар харитасини етарлиқ тасаввур қилиш имкониятини яратди. Мазкур даврни халқроқ миқёсда ўрганишга самарали йўл эканини яна бир бор тасдиқлади.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Истиқлол туфайли XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти ҳамда тарихини ҳар жиҳатдан изчил ўрганиш учун кенг имкониятлар вуқудга келди. Мана шу муҳитда фикр этилган янги авлод тадқиқотчилари энди бу борада ўз сўзини айтиши керак. Янги манбаларни ўрганиш, ўрганилган манбаларни қайта баҳолаш ва барчасини истиқлол муҳитида қайта идрок этиш ҳам шулар жумласидан.

Жаҳидшунослик аллақачон халқроқ фан тармоғига айланди. Туркий халқ-

ларнинг барчаси бу даврни замонавий дунёга қўшилиш дарвозаси сифатида баҳолайди ва қадрият даражасида ўрганади. Шундан келиб чиқиб, туркий бўлмаган халқлар ҳам жаҳидлар даврини янги уйғониш босқичи сифатида қабул қилади ва келажак ҳаётимизни шу асосда проноз қилмоқчи бўлади. Аммо биз учун ҳаракат дастури ўлароқ қабул қилинаётган мурожаатдаги вазифаларни бажаришда ўзимиз ҳал қиладиган кўплаб масалалар бор. Зеро, ютуқлар оғриқларимизни ўзимизчалик ҳеч ким билмайди. Буларни ҳал этиш учун олимларимиздан катта интилиш, бирлашиш, жамғарилган илмларни тўлалигича миллат манфаатига йўналтириш талаб этилади. Биз жаҳид боболаримиз хотираси билан ёшлар юрагини ҳаяжонга, Ватан муҳаббатига тўлдиримиз. Улар биздан жаҳид боболаримиз ҳақидаги муҳтасар маълумотини эмас, уларнинг ўз асарларини ўқийлик, дея сўрай бошлайди. Ушунда Ватанга бўлган азиз муҳаббатнинг ташналигини қондириш учун жаҳид боболар меросини кўрсатиш, нашр этиш керак бўлади. Бунинг учун миллий уйғониш даври манбаларини сақлаб қолишдек кечиктириб бўлмаш вазифани анд этиш зарур. Мукамал алифбонно ва ҳаводек қанчалар зарур бўлса, бу манбаларни яроқли ҳолатда сақлаш, янги форматга ўтказиш ҳам ушундай заруратдир. XX аср бошларида жаҳид боболаримизнинг жасорати билан чиққан газета-журналлар, қўлёзма, тошбосма ва босма китоблардан яқин 5-10 йилдан сўнг ҳеч нарса қолмаслиги мумкин. Улар шиддатли вақт бўронидан чанг ва қапаларга айланиб бормоқда. Ҳали кенг жамоатчиликка маълум бўлмаган Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти асосий фондида сақланаётган “Сабзазор”, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи нодир



МУСИҚА ОЛАМИ

ЎЗБЕК ЧОЛГУЛАРИ

қадимий, навобажт, жарангдор

Хулқар ТҶИМАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Президентимизнинг 2022 йил 2 февралдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб таълим муассасаларига ўқувчиларнинг маданият соҳасидаги билим ва кўникмасини юксалтириш, улар қалбда миллий маданиятимизга меҳр уйғотиш, ёш истеъоддорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилди. Ўқувчиларга миллий чолғу асбобларидан камида биттасида куй чалишни ўргатиш, Муסיқа фанидан хафтада бир академик соат, миллий чолғу асбобларида куй ижро этиш бўйича амалий тўғрақлар ва факультатив машғулотлар ўтказиш каби чора-тадбирлар белгиланди.

Халқимиз — санъатсевар. Танбур, най, доира, гижжақдан таралаётган навои ҳар қанча эшитинг, зерикмайсиз. Ўзбек миллий чолғу асбоблари кўп асрлик тарихга эга. Сазгар хунармандлар уни маҳаллий дов-дараклардан пишқ-пукта қилиб ясаган. Созанда ўз чолғусини “сайратган”, мухлис мароқ билан тинглаган...

Танбур таронаси

Танбур навосини тинглаганда, юрагимиз сел бўлади. Чолғу асбоби тари XVI асргача ипақдан тортилганини муסיқашунос Дарвеш Али Чангий ўз рисоласида баён этган. Моҳир созандалар унинг овози янада жозибали чиқиши учун кумуш ва мис симлардан фойдаланган. Чолғу даврлар оша тақомиллашиб, ҳозирги кўринишига келган. Бухорода яқин вақтга чад танбурнинг чор тор, панж тор ва шаш тор кўринишлари мавжуд эди. Биринчи симида асосий куй ижро қилинган, қолганлари эса акс-садо вазифасини ўтаган.

Танбур ҳақида сўз кетса, беихтиёр кўз ўнгимизда машҳур созанда Турғун Алиматов қиёфаси намён бўлади. Устоз аънаванай танбур ижрочилигида ёрқин тароналарни ёш авлодга мерос қилиб қолдирди. Созанда муסיқий меросимизда мавжуд кўллаб асарлари ўз ижро услубида талқин этиб, уларга янгидан ҳаёт бағишлади. Бу куйлар хоҳ танбур, хоҳ дутор, хоҳ гижжақ бўлсин, ягона ижро услубига асосланган. Бунга “Наво”, “Чоргоҳ”, “2”, “Эшвой”, “Сегоҳ”, “Насри сегоҳ”, “Уфори сегоҳ”, “Самарқанд

ушшоғи”, “Гиря”, “Сурнай навоси”, “Роҳат”, “Эшвой Курд”, “Кўшчиноҳ”, “Гулераҳон”, “Билағузук”, “Жигарпора”, “Пайрави асал”, “Тановар” каби муסיқий асарлар мисол бўла олади.

Санъаткорнинг яқка танбур ижросидаги 200 дан зиёд халқ куйлари Ўзбекистон радиосининг олтин фонди ва мухлислар фонотекасида сақланяпти. Грампластинкага ёзиб олинган бу мерос келажак авлодга ҳам танбур садосининг сеҳру жозибасидан баҳраманд этишига заррача шубҳа йўқ.

Найнинг навосидек хуш наво борми?

Най қачон пайдо бўлган? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. “Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи” китобида Абдурауф Фитрат “Най қамиш” маъносиде форсийча бир сўзидир, бизда бринч (бронза), ёки бақир (мис)дан ясаладур”, деб изоҳлаган. Най сурнай, карнай ва бошқа пуфлаб чалинадиган чолғу воситалари каби шакли ўзгармаган ҳолда бизгача етиб келди. Бошлангич, ўрта махсус ва олий ўқув юртрларида барча амиллий чолғу асбобларимиз қаторида най чалиш сирлари ҳам ўргатилмоқда.

— Коллежимизда най бўйича кичик мутахассислар тайёрланади. Уларнинг ҳар бирига яқка тартибда сабоқ берамиз. 9-синфни битириб келган ёшлар бизда икки йил таҳсил олиб, олий ўқув юртрларида таълимни давом эттириши мумкин. Устоз мурабийлар — Мирза Тоировнинг “Най” дарслиги, Аҳмаджон Собировнинг

“Най наволари”, Тохир Қажҳоровнинг “Най навоси” ўқув қўлланмаларидан назарий машғулотларда фойдаланамиз, — дейди Тошкент шаҳридаги ихтисослаштирилган муסיқа ва санъат коллежи ўқитувчиси Дониёр Юнусов.

Кўҳна ва замонавий уд

Ўтган аср охирида олиб борилган археологик изланишлар натижасида Марказий Осиё худудиде эрамининг I-VII асрларига оид муסיқий белгилари акс эттирувчи намуналар топилган. Ушбу то-

қилинади. “Уд” сўзи байрам, тўй-томоша, хурсандчилиқни ифодалайдиган “ийд” атамасининг муайян шакли бўлиб, та-лаффузда бора-бора ўзгариб кетган, деган фикрлар ҳам бор. Ҳозирги чолғунинг юқоридан 1-3-торлари сунъий ичак ёки капрондан, 4-6-торлари пиштилган ипақ устидан мис сим ўралган ҳолда тайёрланади. Соз ансамбль умумий ижрочилигида кўпроқ мозий садоларига хос тароват бахш этади. Кавказ мамлакатлари, Арабистон, Эрон, Туркия ва кўллаб Европа халқлари муסיқа оламида уд муҳим ўрин эгаллаб келади.



Ўйноқи ва шиддаткор доира

пилмаларни кўздан кечирган киши чолғу икки хил бўлганини тасаввур қилади. Уд сони ҳақидаги энг ҳаққоний маълумот Абу Наср Форобийнинг машҳур “Катта муסיқа китоби”да келтирилади. Манбаларда уд созидан Марказий Осиё халқлари XVII асргача фойдалангани кайд қилинади.

— “Уд” арабча сўз бўлиб, луғавий маъносиде турпича. Қадимда уд дарахти бўлиб, ёнганда хушбўй хид таратган, — дейди Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти калфедра мудири Алижон Жўраев. — Уд илк бор шу дарахт ёғочидан ясалгани тахмин

Доира садоси тўй-тантаналаримизга ўзгача файз ва шуқуқ бағишлайди. Унинг оҳанги тез, ўйноқи, шиддаткор, бир нақирим нардан қулққа чалинади. Марказий Осиёда эраמידан аввалги II асрда топилган террота ёдгорликлариде доирачи аёллар тасвирланган.

— Зарбли чолғу асбобида куй чалишнинг ўзига хос машаққатлари бор, — дейди Шароф Рашидов туманидаги 8-болалар муסיқа ва санъат мактаби ўқитувчиси



Дилшод Тиркашев. — Уни чалиш сиртдан қараганда осондек туюлади. Қўлга олиб, ипақдан бош бармоғингизни ўтказасиз, таваккалдан урсангиз, қандайдир садо чиқади. Доирадан таралувчи оҳангини нотга солиш осон эмас. Уста Олим Комилов, Ғофир Азимов, Қажҳамон Дадаев, Одил Камолхўжаев, Талъат Сайфиддинов каби созандаларнинг ижро маҳорати, ижоди ўргатилмоқда.

Гижжақсимон скрипка

Нозик нола таралувчи миллий чолғу асбоби — гижжақнинг яратилиши султон Маҳмуд Ғазнавий замони, яъни X-XI асрларга бориб тақалади. “Зийнат ул-маҳолис” (“Зийнатли мажлислар”) 1-антологиясида келтирилишича, гижжақни илк бор буюк олим ва муסיқашунос Абу Наср Форобий ижро этиб, давраларда куй чалган, тингловчиларни ҳайратда қолдирган.

— Ушбу чолғунинг соғарлар замон талабига мослаштириб ясаган, — дея ҳўқоқ қилади Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институти доценти Ғанижон Қодиров. — Замонлар оша гижжақ тақомиллашиб борган. Дастлаб гижжақ икки торли бўлган, Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида унга учинчи тор қўшилган. Гижжақ бир неча қисмдан иборат, қамонли соғар ойнаси қамансуб. XX аср биринчи ярмида чолғушунос олим, ўзбек халқ чолғулари оркестри асосчиси, таниқли дирижёр А.Петросянц раҳбарлигида соғар устлар миллий чолғуларни қайта ишлаб, янада тақомиллаштиради. Европа академик ижрочилиги талабларига мослаштирилган асбобнинг товуш қўламини янада кенгайтириб, гижжақсимон скрипка пайдо бўлган, аънаванай ва академик услубда бирдек куй ижро этилмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти, моҳир созанда Абдуҳошим Исмоилов гижжақнинг

имкониятларидан, дутор, най, танбур, сато, доира сирларидан яқши хабардор бўлгани боис, гижжақнинг “ичига” кирди олди. Бу муסיқа асбобини ўзлаштириш қанчалик мураккаб бўлмасин, созанда ижро этиш имкониятининг устуңлиги бунга асло монелик қилмайди. Устоз Фарғона-Тошкент мақом йўлида миллий оҳанглари моҳирона қўллади, нолапарни меъёрида беради, асар мазмунини чуқур ифодалайди, товушининг тордан “қочишига” йўл қўймайди, қамонни тор узра но-зиклик билан юргизади.

Гижжақ нимадан, қандай ясалади, бунга соғар қанча вақт сарфлайди? Ўзбекистон давлат консерваторияси қишидаги “Миллий чолғу” илмий ишлаб чиқариш экспериментал лабораторияси раҳбари Азамат Исмоилов бу саволга шундай жавоб беради:

— Гижжақнинг деярли барча қисмлари маҳаллий дарахтлардан ясалади. Куйнинг таралиши қоса қисмига кўпроқ боғлиқ бўлгани боис, жарангдор товуш берадиган тут дарахти ёғочини танлаймиз. Даста қисмига силкиланган, узоқ йиллар қўлда ушлаш ўнағи бўлиши учун ўта мустаҳкам ўрик дарахтининг ёғочи ишлатилади. Лабораториямизда ҳар бир миллий чолғу асбобининг ўз устаси бор. Битта соз бир қўлдан чиқади ва бир-бирига узвий боғлиқ жараён ниҳоясига етган, соз тайёр бўлади. Гижжақ ва бошқа миллий чолғу асбобларини уй шароитида ясайдиган хунармандлар ҳам бор. Яшнубод туманида яшовчи 80 ёшли Ақсар Эргашев ясаган соғар хали-хануш созандалар қўлида янграмоқда. Ҳозирги вақтда отақоннинг ишини фарзандлари, набира-лари давом эттиряпти.

Ўзбекча тарона янграмоқда. Диққат билан тинлаган, ҳар бир чолғудан бетактор наво таралади: танбур ҳазин анграва, гижжақ чўзи нола қилади, дутор ҳар иккисига эш бўлади, уд олис ўтмишдан бир оҳангни қалбингизга олиб киради, доира садоси ўйноқлиқни намойиш этади...

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

ҚЎРҚУТ ОТАНИНГ ҚЎБИЗИ

ёки жировчилик санъати ривожига назар

Ривоят қилишларича, Қўрқут ота ёғочдан қўбиз ясаб, куй чалишни орзу қилибди. Қанча уринмасин, яқши қўбиз ясай олмабди. Унинг ишини кузатиб турган шайтонлар ясаётган нарсасини кўрсатишни сўради. Аммо Қўрқут ота шайтонларга ҳеч нарсани кўрсатмабди. Шундан сўнг ўрмондан чиқиб кетгандек бўлибди-да, шайтонларнинг гапини пойлабди. Шайтонлар: “Қўрқут ота жуда ажойиб ишни бошлабди-ю, лекин охирига етказмабди. Агар ўрмондаги қуриб қолган жийда ёғочидан қўбиз ясава ва қорнини бақироқ туянинг бош териси билан қоплаб, отнинг думидан кил олиб тақса, қилнинг тағига эски қобқодан тияқ солса, жуда жарангдор асбоб бўларди”, дейишибди.

Қўрқут ота шайтонларнинг айтгани бўйича иш тутган экан, ҳар хил куйга мос келадиган асбоб — қўбиз пайдо бўлибди. Халқ шу кундан эътиборан Қўрқут отани қўбизнинг пирини деб атай бошлабди.

Ушбу ривоятни фольклорчи Қалли Айимбетов қорақалпоқ жирови Есемуратдан ёзиб олган. Қўбизда куйловчиларни жировлар деб аташади. Унинг асосчиси Қўрқут ота деб тан олинган.

Қорақалпоқ достонларининг сўзи ҳам, сони ҳам бир бутунлиқни ташкил этади. Қажҳамонлик достонлари кўнча қўбиз билан, лиро-элик достонлар эса дутор билан ижро этилади. Жиров қўбиз созига мослаб томоғини қириб айтса, бақши овозини дутор куйига солиб эркин куйлайди. Жировлар репертуридаги қажҳамонлик достонлари бақшилар достонидан бутунлай фарқ қилади. Жировлар репертурида де севги-муҳаббат ҳақидаги достонлар

бўлмайди, қажҳамонлик қўшиқлари ижро этилади. Қўшиқлар билан достонлар қорақалпоқларнинг тилини, поэзиясини, этнографиясини ва турмуш тарзини ўрганиш учун бой материалга эга манба ҳисобланади. Шунинг учун ҳам этнограф Шоқан Уалиханов “Қорақалпоқлар саҳродаги биринчи шоирлар ва қўшиқчилар ҳисобланади”, дея таърифлаган.

Қорақалпоқ жировлари томошабинлар йиғилгунга қадар панду насихат айтиб, сўнг достон куйлаган. Жиров достонни ижро этишдан олдин ўз репертуридаги достонлари ҳақида халққа маълум қилган. Уларнинг ичидан халқ эшитгиси келган достонингизга ижро этган.

— Қўбиз ва жировчилик отадан болага мерос бўлиб келмоқда. Маълумотлар қараганда, қўбиз ва жировчилик фақат Қорақалпоғистонда сақланиб қолган. Демак, биз унутилаётган ушбу меросни



сақлашимиз ва келгуси авлодларга етказишимиз керак, — дейди этнограф Навбахор Тилеубергенова. — Шунингдек, қўбиз асбобини ясайдиган усталар ҳам фақат Қорақалпоғистонда бор. Уларга алоҳида эътибор қаратиб, бу хунари асраб қолиш ҳақида ҳам ўйлашимиз лозим.

— Муסיқа асбобларини ясашни марҳум устозим Озот Утарбоевдан ўрганганман, — дейди шуманайлик уста Назарбай Қадиримбетов. — Ҳозирги пайтда қорақалпоқларнинг миллий сони қўбиз, ола муйноқ дутор, гижжақ асбобларини ясаб келмоқдаман. Қўбизни ясаш учун жийда ёғочидан фойдаланамиз. Қорнини туя

териси билан қоплаймиз. Отнинг қилидан тор тақилади.

“Жир” сўзи қорақалпоқлар орасида қадим замонлардан мавжуд. Шу сўз асосида “жиров” сўзи пайдо бўлган. Тахминан XIV асрда “жиров” сўзи қорақалпоқлар орасида қўлланилган бўлиши мумкин деган тахминлар ҳам бор. Қорақалпоқ тилида достон ижро этувчиларни “жиров”, “бахши” деб аташади ва бу сўзлар қўбиз, дутордан айро тушунилади. “Жиров” сўзи Соғнасли Сипира жиров замондан қорақалпоқлар орасида тарқалган сўз, деган қарашлар ҳам учрайди.

— Қорақалпоқ жировларининг тарихи жуда қадимий. Соғнасли Сипира жировдан бошлаб Карам жиров, Нағим жиров, Есемурат жиров, Бердимурат жиров ва ундан кейин Жумабай жиров, Жақилиқ жировлар халқ орасида жуда машҳур бўлган, — дейди Қорақалпоғистон халқ жирови Бақберген Сиримбетов. — Менинг устозим Ўзбекистон халқ ҳофизини, падири бузрукворини Жақилиқ Сиримбетов бўлади. У киши жировлиқни устози Қияс жировдан ўрганган. Отамнинг репертурида “Алпомиш”, “Қирқиз”, “Едиге”, “Маспатша” достонлари бўлиб, халқ ичиде жировчилик йўналишини бўйича ушбу достонларни ижро этган. Бугун отамнинг жировлик касбини давом эттириб келмоқдаман. Мен ҳам устоз сифатида Жаңибек Пиязов, Саламат Аяпов, Карим Ҳабиб-назар, Зинатдин Нуратдинов сингари 25 дан зиёд шоғирдлар етиштирдим. Улар жировчилик йўналишини ривожлантиришни давом эттирмоқда.

Жировчилик мактаблари Қўнғирот, Шуманай, Чимбой ва Кегейли туманларида яқши ривожланган. Сўнги пайтларда ушбу соҳага давлатий томонидан ҳам катта эътибор қаратилляпти. Қорақалпоғистон халқ жирови Бақберген Сиримбетовнинг шоғирди кўнғиротлик Саламат Аяпов бўлади. Саламат бугунги кунда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетини санъатшунослик кафедраси мудири, доцент сифатида фаолият олиб бормоқда. У 2008 йилдан буён жиров сифатида халқро танловлар, фестивалларда фаол иштирок этиб, достончиликни ривожлантириб келаятган ёшларнинг ривожлантириш логии ва миллий чолғу ижрочилиги асосида

тайёрланган концерт дастурлари билан қўллаб давлатларда бўлган. Термиз шаҳрида “Халқаро баҳшчилик санъати” фестивали доирасида ўтказилган республика кўрик-танлови голиби.

Қорақалпоқ халқининг озаки ижро этиладиган достонлари кўлами 5 минг қатордан 20 минг қаторга етади. Масалан, “Алпомиш” достонининг ўзгич варианти 7 минг, Қияс жиров варианти 11 минг, Қурбанбой жиров варианти 15 минг қатордан иборат. Достоннинг кўлами уни ижро этадиган жировнинг маҳорати ва ундаги воқеа ривожига боғлиқ бўлади.

— Қўбиз ва жиров отадан болага мерос бўлиб келаятган аънава ва ўзгача хунар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жировликни ривожлантиришни мақсад қилганимиз. Халқ озаки ижодини сақлаб қолишимиз, жировлардан бор достонларни ёзиб олишимиз керак, — дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги маданият масалалари бўйича вакили Мухайё Маҳмудова.

Сўнги пайтларда маданият мерос объектига эътиборни кучайтириш, кўп асрлик маданиятимиз ва миллийлигимизнинг ажойиб дурдоналарини асраб-авайлаш, уларни ЮНЕСКО рўйхатига киритишни таъминлаш, илм-фан, маданият йўналишида ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича амалий ишлар бажарилмоқда. Шу жумладан, қорақалпоқ миллий сони қўбизни ЮНЕСКО рўйхатига киритиш ишларини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА ҲИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмақона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашир индекси — 236. Буюртма Г-1246.

43301 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наширият-матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди.

Босмақона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА яқуни — 00:55 Топшириди — 01:10